Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 1 (1569) 2026-YIL 9-YANVAR, JUMA

**2026 йил — Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили**




# Мустақиллигимизнинг мустаҳкам таянчи

5

# СТРАТЕГИК ИСЛОҲОТЛАР

Муносабат

## ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ САРИ МУҲИМ ҚАДАМДИР

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мамлакат тараққиётида стратегик аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжат ҳисобланади. Мурожаатномада 2025 йил давомида амалга оширилган ишлар, ислоҳотлар натижадорлиги чуқур таҳлил қилинди, мавжуд муаммоларга очиқ баҳо берилди, ўрта муддатли истиқбол учун аниқ мақсад ва вазифалар белгиланди.




**Робахон МАХМУДОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари**

Илгари сурилган ҳар бир ташаббус замирида инсон қадрини улуғлаш, иқтисодий ўсишни ижтимоий адолат билан уйғунлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва давлат бошқарувида ҳисобдорликни кучайтириш ғоялари борлиги эътиборга молик. Қайд этиш жоизки, ушбу ёндашув Янги Ўзбекистон тараққиётининг концептуал асосини ташкил этмоқда.

Мурожаатномада мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсиш траекториясида экани қайд этилди. Мураккаб геосиёсий вазият, ташқи бозорлардаги беқарорликка қарамай, ялпи ички маҳсулот 145 миллиард АҚШ долларидан ошгани ҳам ушбу фикрларни тасдиқлайди.




Қолаверса, инвестициялар ҳажмининг 43 миллиард долларни ташкил қилгани ҳамда саноат ва хизматлар соҳасида минглаб янги иш ўринлари яратилгани ҳам иқтисодий сиёсатнинг изчиллигини кўрсатади. Шу билан бирга, Президент иқтисодий ўсишда рақамларнинг ўзи етарли эмаслигини, улар аҳоли ҳаёт сифатида реал ўзгаришларга айланиши шартлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, иқтисодий тараққиётнинг марказида инсон манфаатлари туриши лозим. Агар иқтисодий ўсиш натижалари жамиятда адолатли тақсимланмаса, ҳудудлар ва аҳоли қатламлари ўртасидаги тафовутлар қисқармаса, бундай ўсиш барқарор бўлмайди.

Бу жараёнда маҳалла орқали манзилли ижтимоий ёрдам, бандликни таъминлаш дастурлари, касбий қайта тайёрлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби механизмлар алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари 2026 йилни **"Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили"** деб эълон қилишни таклиф этди.

2



# ТАФАККУРНИ

## сунъийлаштириб бўлмайди

4

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарияти ДИҚҚАТИГА!**

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, БАНКОМАТ...




4

# ЗАМОНАВИЙЛИКНИНГ МЕЪЁРИ БОРМИ?!




6

Фракция йиғилиши



# Судьялик лавозимларига сайлаш жараёнлари такомиллаштирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси электрон тижоратнинг шаффоф ва очиқ экотизимини яратиш, электрон тижорат платформалари ва сервисларини жадал ривожлантириш, электрон тижорат муносабатларидаги иқтисодий масалаларни янада такомиллаштиришга қаратилган.

Лойиҳада электрон тижорат соҳасидаги истеъмолчилар муомаласига кириб бораётган йўналишларга оид янги электрон савдо платформаси ва буюртмалар агрегатори операторлари, рақамли стриминг хизмати, электрон тижорат иштирокчилари, трансчегаравий электрон тижорат каби атамаларга тушунча берилиб, бизнес жараёнлар ва соҳани солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутиляпти.

Муҳокамалар давомида фракция аъзоси Дилмурод Исмоилов қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди. Шунингдек, айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган саволлар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб ўтди. Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда Сенатнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонунчилик таклифи ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур қонунчилик таклифи билан судьяликка номзодларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш таклиф этилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши парламент томонидан судьялик лавозимларига малакали кадрларни сайлаш жараёнларини такомиллаштиришга, номзодлар очиқ ва шаффоф баҳоланишини таъминлашга хизмат қилади.

Фракция йиғилишида кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# СТРАТЕГИК ИСЛОҲОТЛАР

## ижтимоий давлат сари муҳим қадамдир

Президентимиз таъкидлаганидек, *“Маҳалла – жамиятнинг юзи. Агар маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса, демак, бутун жамият ўзгаряпти”.* Демоқчимизки, йилнинг бундай рамзий ном олиши замирида давлат бошқарувини бевосита халққа яқинлаштириш, одамларнинг дарду ташвиши билан яшашдек олий масъулият мужассам.

Мурожаатномада парламентнинг ролини кучайтириш масаласи алоҳида устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Бу ёндашув давлат бошқарувини демократлаштириш, қарорлар қабул қилишда очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Қайд этилганидек, 2026 йилда ижро ҳокимияти тизими раҳбарларининг парламент олдидаги ҳисобдорлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади. Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати янада кучайтирилади. Бунда эътибор қаратиш зарур бўлган энг муҳим жиҳат, давлат кафолати остида ташқи қарз олишни маъқуллаш билан боғлиқ. Бундан буён ушбу ваколат парламентга тегишли бўлиши таъкидланди.

Қолаверса, давлат харидларида товар, иш ва хизматларни тўғридан-тўғри сотиб олиш мумкин бўлган ҳолатлар фақат қонун билан белгиланиши қайд этилди. Депутат сўровлари ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритиб бориш амалиёти жорий этилмоқдаки, бу мамлакатимизда вакиллик органлари нуфузи ва таъсирчанлик салоҳиятининг янада ошишига хизмат қилади.

Президент коррупцияга қарши кураш масаласига яна эътибор қаратди. Коррупция нафақат иқтисодий ривожланишни секинлаштиради, балки жамиятда қонунга, давлатга ва адолатга бўлган ишончни издан чиқаради. Айниқса, жадал тараққиёт босқичига ўтаётган Янги Ўзбекистон учун бундай ижтимоий иллат жиддий хавф туғдиради. Шуни ҳисобга олган ҳолда 2026 йилда мамлакатимизда “Коррупцияга қарши курашиш бўйича фавқулодда ҳолат” эълон қилинди.

Ушбу хайрли, аммо ғоят улкан масъулият ва қатъий ирода талаб этадиган жараёнга демократик институтлар ҳам бош қўшиши зарур. Том маънода коррупция иллатидан жамиятимизни халос этиш мақсадини умуммиллий ҳаракатга айлантиришимиз лозим.

Мурожаатномада суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунда, аввало, жараёнларни “Рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этиш, терговни рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш зарурлиги айтилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда тергов судьялари иш бошлагани халқаро тан олинган “Хабеас корпус” институтини қўллашнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. 2026 йилдан бошлаб тергов судьяларига санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатлари ҳам берилади. Бу халқаро майдонда ҳам Ўзбекистонни суд мустақиллиги таъминланган мамлакат сифатида тан олинишига замин яратади.

Юртимизда таълим масаласи миллий тараққиётнинг пойдевори ҳисобланади. Жорий йил ушбу соҳага давлат бюджетининг қарийб 30 фоизи йўналтирилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Мурожаатномада 2026 йилда ҳам тизимли ислоҳотлар давом эттирилиши таъкидланди. Хусусан, мактаб таълими сифатини ошириш ва ҳудудлар ўртасидаги фарқни қисқартириш, касбий ва техник таълимни меҳнат бозори талабларига мослаштириш, олий таълимда қамров ва сифатни ошириш билан бирга, ижтимоий адолатни таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Президентимиз таълимни ижтимоий лифт сифатида ривожлантириш ғоясини илгари сурди. Бу, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун тенг имкониятлар яратишни назарда тутиши билан аҳамиятлидир.

Бунда, айниқса, касбий таълимга алоҳида урғу берилди. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили камида 100 та техникум тўлиқ таъмирланиб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос жиҳозланиши, Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сони 100 тага етказилиши таъкидланди. Келгуси йил 7 та вилоятда, 2027 йилдан эса қолган ҳудудларда Илғор касбий маҳорат техникуми ва Касблар шаҳарчаси фаолияти йўлга қўйилиши айтилди.




*“Менинг ниятим – ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатдош бўлсин, керак бўлса, бошқалардан бир поғона устун турсин. Ушбу мақсадга эришиш йўлида касбий таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган техникумларни янги сифат босқичига олиб чиқамиз”,* – деди Президент.

Соғлиқни сақлаш соҳасига оид ташаббуслар ҳам эътиборга молик. Тизимни рақамлаштириш бўйича ишлар жадал давом эттирилиши, тиббиёт муассасаларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш учун “мастер режа” ишлаб чиқилиши халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда янги ва замонавий ёндашувлардан фойдаланиш имконини тақдим этади.

Бундан ташқари, инфаркт, инсульт, онкологик, нефрологик каби юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда трансплантация, вакцинация, она-бола саломатлиги йўналишларига 3,5 триллион сўм ажратилиши қайд этилди.

Ушбу хайрли ташаббуслар соғлиқни сақлаш тизимида ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлайди. Тиббиёт тизимини коррупциядан холи соҳага айлантиришда ҳам қўл келади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг ушбу Мурожаатномаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва инсон қадрини юксалтиришга қаратилган дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

“Адолат” социал-демократик партияси таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий ҳимоя ва коррупцияга қарши кураш соҳаларида белгиланган ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этади. Зеро, бизнинг мақсадимиз халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун барча шароит ва имкониятларни яратиб беришдан иборатдир.




Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси турли давраларда қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқларда билдирилаётган бир-бирини инкор қилувчи фикрлар, уларга ёзилаётган изоҳлар кўпчиликни бефарқ қолдираётгани йўқ. Чунки Мурожаатномада мамлакат келажагига дахлдор масалалар, 2025 йилда амалга оширилган ишлар, ислоҳотларнинг кейинги босқичи борасида сўз борди.

# Очиқлик бор жойда коррупция бўлмайди



**Ислом ҲАМРОЕВ,**
**“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**

Мурожаатномадаги икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Биринчиси – очиқлик, сўз ва матбуот эркинлиги масаласида давлат раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси яна бир бор намоён бўлди. Хусусан, Президент “Кенг кўламли янгиланишлар даврида очиқлик сиёсатидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади”, дея таъкидлади.

Иккинчи аҳамиятли жиҳат эса коррупцияга қарши курашиш бўйича “Фавқулодда ҳолат” эълон қилингани бўлди. *“Лавозимим, унвоним бор, менга ҳеч ким тегмайди”, деганлар адашади. Қонун олдида ҳамма тенг! Комплаенс хизматининг фаолиятига тўсқинлик қилганлар – коррупцияга шерик, деб баҳоланади”,* дея қайд этилди. Бу 2026 йилда коррупция иллатига қарши курашиш мамлакатимизда янада кескин ва муросасиз тус олишидан дарак бермоқда.

Коррупция давлатни заифлаштириб, ижтимоий адолат тамойилларига зарба берадиган, халқ ишончини йўққа чиқарадиган ва иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўладиган иллатдир. Шу маънода, ислоҳотлар самарадорлиги коррупцияни бартараф этиш билан чамбарчас боғлиқ.

Шу ўринда очиқлик ва коррупцияга қарши курашиш бир-бири билан узвий боғлиқ эканини қайд этиш жоиз. Зеро, очиқлик хавф эмас, аксинча, у давлат учун ҳимоя воситаси ҳисобланади. Очиқлик, матбуот эркинлиги, том маънода, коррупциянинг энг асосий кушандасидир. Чунки шаффоф муҳитда мансабдор шахс ҳам, коррупциялашган тизим ҳам жамоатчилик назоратини ҳис қилиб туради. Натижада ўз-ўзидан айрим кўзини ёғ босган мансабдорларнинг амалини суиистеъмол қилишга уриниши камаяди, масъулият ортади.

Яна такрор айтаман. Матбуот ва сўз эркинлиги очиқликнинг энг таъсирчан воситасидир. Зеро, эркин журналистика муаммони кўтариш, жамоатчилик диққатини жалб қилиш, мансабдор шахсларнинг халқ ва жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, демакдир.

Жаҳон тажрибасида ҳам сўз эркинлиги таъминланган жамиятда коррупция илдиз отмаслиги ўз исботини топган. Сингапур, Жанубий Корея, Германия, Нидерландия, Скандинавия мамлакатларини олсак, улар коррупцияга қарши курашда сўз эркинлигидан самарали қурол сифатида фойдаланганини кўрамиз.

Сингапур коррупцияга қарши қатъий қонунлари билан машҳур. Лекин муваффақиятнинг яна бир калити оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигида бўлган. Давлат харидлари, бюджет сарфи, мансабдорларнинг даромадлари ҳамиша жамоатчилик назоратида ушлаб турилгани Сингапур мўъжизасига замин яратган.

Жанубий Кореяда ҳам юқори мартабали мансабдорлардан йирик компания раҳбарларигача коррупцияда айбланиб, очиқ судланган ҳолатлар кўп учрайди. Бу жараёнларда ҳам матбуот ҳал қилувчи роль ўйнаганини таъкидлаш жоиз. Корея жамиятида эркин журналистика “мансабдор дахлсиз эмас” деган қарашни шакллантирган.

Европа давлатларида эса ахборот олиш ҳуқуқи – муқаддас қадрият даражасига кўтарилган. Шунинг учун яширин иқтисодиётга ўрин қолмаган.

Президентимизнинг “Қонунда ҳамма тенг”, “Бирорта идора назоратдан четда қолмайди” деган фикрлари ана шу тажриба ва таҳлиллар натижаси бўлса ажаб эмас.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида тизимли ислоҳотлар амалга ошаётганини қайд этиш жоиз. Сўнгги йилларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича ҳуқуқий механизмлар шакллантирилди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ва Миллий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди. Коррупцияга қарши курашиш йўналишида бир қатор қонунлар, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Давлат хизматларининг рақамлаштирилиши коррупция хавфини сезиларли даражада камайтирди.

Ана шу жараёнда фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларига эркинлик берилгани жамоатчилик назоратини янги босқичга кўтаришга имкон яратганига эътибор қаратиш керак. 2026 йилнинг коррупцияга қарши курашиш борасида “Фавқулодда ҳолат” йили деб эълон қилиниши ушбу тизимли ишларнинг янги босқичга кўтарилишидан дарак беради.

Ўз навбатида, бу жамоатчилик зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки очиқ ва шаффоф сиёсат юритилаётган давлатда жамият сукут сақламаслиги керак. Коррупцияга қарши муросасиз муҳит яратиш умуммиллий мақсадга айланиши лозим.

Шу ўринда чиқишлари билан ўзларича ижтимоий тармоқларни “портлатаётган”, ўзларидан АДОЛАТ ва ҲАҚИҚАТ ҳимоячиси ясаб олиб, “Бизнинг Ўзбекистонда сўз эркинлиги йўқ!” дея ҳайқириб, кимларгадир ёқишга уринаётган, давлатимиз раҳбарининг матбуот эркинлиги ҳақидаги фикрларига киноя билан ёндашаётган айрим ижтимоий тармоқ “фаол”ларига журналист сифатида бир-икки саволим бор.

Сиз бугун ижтимоий тармоқларда бараллa айтаётган фикрларингизни бундан ўн йил аввал айта олармидингиз?

Сиз “Ўзбекистонда сўз эркинлиги йўқ”, деб жар солганингиз учун сизга бирон-бир давлат идораси томонидан босим бўлдими?

Энди юқоридаги саволларга ўзим жавоб бериб қўя қолсам.

Сиз бундан ўн йил аввал бугун бемалол айтаётган фикрларингизни нафақат ижтимоий тармоқларда, ҳатто ўз уйингизда ҳам эмин-эркин айта олмас эдингиз.

Агар бундан ўн йил бурун ижтимоий тармоққа чиқиб, мамлакат шаънини ерга урувчи бирон-бир фикр айтсангиз, ҳаттоки, ҳақ бўлган тақдирингизда ҳам, ўша куни сизни махсус идоралар чақириб олар ёки олиб кетар эди...

Юқоридаги икки савол ва уларга жавобнинг ўзиёқ Ўзбекистонда сўз эркинлиги қай даражада эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб бера олади, деб ўйлайман.

Шундай экан, энди тирноқ остидан кир қидиришни тўхтатиб, хайрли мақсадларни амалга ошириш йўлида бир ёқадан бош чиқариб ишласак, мамлакат тараққиётига хизмат қилсак, айни муддао бўлар эди.

Хулоса ўрнида айтганда, давлатимиз раҳбарининг сўз эркинлиги ва коррупцияга қарши курашишга оид фикрлари, ташаббуслари жамиятдаги демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган навбатдаги муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

# МАҲАЛЛА — миллий юксалиш пойдевори

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаати барчамиз учун кутилган, шу билан бирга барчамиздан миллий бирдамликни талаб қиладиган сиёсий ва халқчил даъват бўлди.

**Гулруҳ АГЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси**



Таъкидланганидек, сўнгги 9 йилда катта тараққиёт йўли босиб ўтилди. Иқтисодимиз янгидан шаклланди, бозор муносабатлари, ижтимоий ҳимоя кенгайтирилди, қонун устуворлиги мустаҳкамланди. Энг муҳими, ислоҳотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.

2025 йилда қўлга киритган ютуқларимиз – бошлаган демократик ислоҳотларимизнинг қатъий бардавомлиги натижасидир. Бунда халқимизнинг қўллаб-қувватлаши, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати, ҳамжиҳатлик асоси бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирининг кучайганлиги, одамларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгариб янада жипслашганимиз, тадбиркор, фермерларнинг мардона меҳнати, қўшни давлатлар билан дўстона ташқи сиёсат ишончли омил бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Аёнки, бугун юртимизда жаҳонда тан олинган маҳалла институтини янада ривожлантириш йўлида дадил қадамлар қўйилмоқда. Республика Президентининг қатор фармон ва қарорлари билан маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш янада такомиллаштирилди, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолияти самарали ташкил этилди.




Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг асосий вазифалари этиб, маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўприк” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш белгиланган эди.

Аҳамиятлиси, “маҳалла еттилиги” томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этиш тизими йўлга қўйилди. Маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакиллари саъй-ҳаракатлари бирлаштирилди.

Президентимизнинг ўзи маҳаллаларга кириб, одамлар билан суҳбатлашиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, орзу-истакларини эшитиш тизимини йўлга қўйди. Ана шу тизим одамларга катта куч-ғайрат, бугунги ислоҳотлар мазмундорлигига зўр ишонч бағишламоқда. Сабаби, бу каби дилдан, самимий, тайёргарлик кўрилмаган суҳбатларда кутилмаган масалалар кун тартибига чиқади.

Тўкис ҳаёт бўлмайди – ҳар жойда, ҳар вақт муаммо бўлиши табиий. Давлатмиз раҳбарининг 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиши замирида ҳам айнан ана шу халқнинг ҳақиқатлари, орзу-умидлари ва албатта, ишончи ётибди.

Мурожаатномада маҳалла инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир маҳалланинг Янги Ўзбекистонга қиёфадош бўлиши юзасидан аниқ йўналишлар, вазифалар белгиланди. Уларга аниқ эътироф берилди: “Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз ривожланади”.

Шу билан бирга, маҳаллага стратегик аҳамиятга эга вазифа юклатилиб, “Маҳалла – миллий юксалишнинг стратегик пойдевори”, – деб белгиланди.

Эндиликда ҳар биримиз ана шу пойдеворнинг мустаҳкамлигига масъулмиз. Зеро, Ўзбекистон мустақил фиклайдиган, озод ва эркин инсонлар диёрига айланмоқда.

# Янги Ўзбекистон тараққиётининг МУҲИМ ҲУЖЖАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакатимизнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тараққиёт векторини белгилаб берувчи тарихий дастуриламал ҳужжат бўлди. Мазкур Мурожаатномада илгари сурилган концептуал ғоялар давлат бошқарувини модернизация қилиш, иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичларини таъминлаш ва жамиятнинг институционал асосларини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ёндашуви билан ажралиб туради.



Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Давлат раҳбари томонидан миллий ғоянинг мазмун-моҳияти Ватан ва аҳоли манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда талқин қилиниши, жамиятнинг энг қуйи бўғини бўлган маҳаллани ислоҳотлар марказига олиб чиқди. 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши ижтимоий бошқарувни номарказлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллиард сўм маблағ ажратилиши ҳамда “яшил ҳудуд”, “яшил боғ” яратиш бўйича ҳар бир депутатнинг ташаббусига қўшимча 330 миллион сўм йўналтирилиши — бу бюджет маблағларини тақсимлашда бевосита халқ иштирокини таъминловчи демократик механизмдир. Шунингдек, йил якунига қадар барқарор ривожланаётган маҳаллалар сонини 3,5 мингтага етказиш орқали ижтимоий тенгсизликни камайтириш ва миллий бирликни мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Мурожаатномада мамлакатимиз иқтисодиётини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш бўйича тарихий ва амбицияли мақсадлар белгилаб берилди. Хусусан, жорий йил якунларига кўра, Ўзбекистон тарихида илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан ошди. Бу натижа мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги ва тўғри танланган тараққиёт йўлининг ёрқин ифодасидир. Давлат раҳбари ушбу суръатни пасайтирмаган ҳолда, 2030 йилга бориб ЯИМ ҳажмини 240 миллиард долларга етказиш вазифасини илгари сурди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналиши сифатида “яширин иқтисодиёт”га қарши муросасиз курашиш белгиланди. Бу жараён бевосита ижтимоий ҳимоя билан тўлдирилиб, кам таъминланган оилалар даромадини икки бараварга ошириш ва аҳолига кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳажмини 100 миллиард долларга етказиш орқали фуқароларнинг фаровонлик даражасини юксалтириш мақсад қилинган.

Давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида инсон капиталига инвестиция киритиш, хусусан, касбий таълим тизимини замонавий меҳнат бозори талабларига мослаштириш белгиланди. Тиббиёт соҳасида эътибор ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашга қаратилади. Жумладан, Англиянинг нуфузли “Пирсон” компанияси билан ҳамкорликда тиббиёт техникумларида халқаро стандартлар асосида ҳамширалар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Эндиликда ушбу жараёнга Германия, Швейцария, АҚШ ва Япония каби давлатларнинг таълим дастурлари ҳам татбиқ этилади. Мақсад нафақат юқори малакали, балки хорижий тилларни мукаммал биладиган, дунё тиббиёти талабларига жавоб берадиган янги авлод тиббиёт ходимлари таркибини шакллантиришдир.




Сиёсий тизимда ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилини кучайтириш мақсадида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 208 та туман ва шаҳар кенгаши раисларининг ҳокимлардан алоҳида, мустақил равишда сайланиши маҳаллий вакиллик органларининг ижроия ҳокимияти устидан назоратини кучайтиради. Кенгашлар фаолиятининг тўлиқ рақамлаштирилиши эса қарорлар қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини таъминлайди.

Парламентнинг назорат функциялари сифат жиҳатидан янгиланмоқда. Ташқи қарздан фойдаланиш, давлат харидларининг қонунийлиги ва очиқлиги устидан парламент назоратининг ўрнатилиши давлат маблағларининг мақсадли сарфланишини кафолатлайди. Депутат сўровларига жавоб бермаслик ёки юзаки ёндашиш ҳолатлари бўйича прокуратура органларига тақдимнома киритиш ваколатининг берилиши халқ вакилларининг сиёсий мақомини кескин оширади. Энг муҳими, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтириш ҳамда 2026 йилдан коррупцияга қарши курашнинг мутлақо янги ва муросасиз тизимини жорий этиш Ўзбекистоннинг демократик ва ҳуқуқий давлат сифатидаги мавқеини халқаро майдонда янада юксалтиради.

Мурожаатномада илгари сурилган барча ислоҳотларнинг бош мезони — халқ розилигидир. Маҳаллани тараққиёт марказига олиб чиқиш аслида кучли фуқаролик жамияти пойдеворини қўйиш демакдир. Бюджет маблағларининг депутатлар орқали бевосита маҳаллаларга йўналтирилиши «маҳалла — жамият кўзгуси» деган тамойилни ҳаётий ҳақиқатга айлантиради. Зеро, маҳалла обод ва барқарор бўлса, давлат қудратли, миллат эса жипс бўлади. Ушбу стратегик йўл харитаси Ўзбекистонни иқтисодий ва ижтимоий юксалишнинг мутлақо янги сифат босқичига олиб чиқиши шубҳасиздир.



Якунига етган йилда юртимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқелик — давлат раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган дастурий ҳужжат бўлди.

# Ижтимоий ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ — УСТУВОР МАСАЛА

Озода ПАРПИБОЕВА,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари

Унда ижтимоий адолат, инсон қадри, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсати даражасида белгилангани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Унда, айниқса, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка мутлақо тоқатсиз муносабатни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз бу борада ўзининг қатъий ва принципиал позициясини қуйидаги сўзлар билан ифода этди:

*“Хотин-қизларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, фарзандларимизни ҳимоя қилиш қадим-қадимдан эркаклар учун шаън ва ғурур масаласи бўлиб келган. Лекин жамиятимизда аёллар ва болаларнинг турли зўравонликларга учраётгани буюк тарих, юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган, оилани муқаддас деб биладиган халқимизга асло ярашмайди! Ҳеч қачон унутмайлик, оилавий зўравонлик бу фақат оиланинг ички иши эмас, бу бутун жамиятга тегишли масала. Аёлни ўз муаммоси билан ёлғиз ташлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!”*




Ушбу фикрлар аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки муайян идоралар вазифаси эмас, балки жамиятнинг барча аъзолари учун умумий масъулият эканини яна бир бор тасдиқлайди. Шу мақсадда Аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини кучайтириш, барча давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда самарали ишлайдиган яхлит тизимни яратиш вазифаси белгиланди. Президентимиз парламент ва жамоат ташкилотларини ҳам ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга чақирди.

Таъкидлаш ўринлики, партиямиз сўнгги йилларда ушбу йўналишда кўплаб самарали лойиҳа ва дастурларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқий ва маънавий билимларини юксалтириш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан асрашга қаратилган чора-тадбирлар кўлами йил сайин кенгайиб, жамиятнинг барча қатламларини қамраб олмоқда. Бу эса партиянинг ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритишдаги изчил ва масъулиятли позициясини яққол намоён этади.

Шундай экан, Президент Мурожаатномасидан келиб чиқиб, бундан кейин ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватлаш, аёллар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ҳолатларига қарши қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш устувор вазифа бўлиб қолаверади. Бу борада партиямиз давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тизимли ишларни давом эттириб, инсон қадрини улуғлаш ва адолатли жамият барпо этиш йўлида ўз саъй-ҳаракатларини янада кучайтиради. Зотан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлиб, бу йўналишдаги изчил ислоҳотлар барқарор ва фаровон келажак пойдеворини яратишга йўл очади.

# Халқ манфаатини ифодаловчи ТАШАББУСЛАР

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакат тараққиётида очиқлик, адолат ва инсон манфаатларини устувор қўйишга қаратилган янги ёндашув шаклланди. Иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш, давлат бошқарувини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилди.

Муҳаррам ДАДАХЎЖАЕВА,
“Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси



Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакат ҳаётида муҳим сиёсий-ижтимоий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби, Мурожаатнома нафақат ўтган йилда амалга оширилган ислоҳотлар якунларини таҳлил қилиш, балки келгуси йиллар учун аниқ стратегик мақсад ва устувор йўналишларни белгилаб бериши билан ҳам қимматлидир.

Жумладан, Президент нутқида давлат ва жамият тараққиётининг барча соҳаларини қамраб олган чуқур таҳлил, амалий таклифлар ва халқ манфаатларига қаратилган аниқ вазифалар ўз ифодасини топган. Хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг илк бор 145 миллиард доллардан ошгани, экспорт ҳажмининг ўсиши, олтин-валюта захираларининг 60 миллиард доллардан ортиққа етгани мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланаётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, инвестиция муҳитини яхшилаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, технологик ва инновацион ўсиш моделини жорий этиш келгуси йиллар учун асосий вазифа сифатида белгилаб берилди.

Президент Мурожаатномасида аҳоли фаровонлиги ва ижтимоий ҳимоя масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Камбағаллик даражасининг сезиларли даражада камайгани, миллионлаб инсонлар доимий даромад манбаига эга бўлгани, ишсизликнинг пасайгани олиб борилаётган ижтимоий сиёсат самараси эканини кўрсатади. Айниқса, маҳалла институтининг роли кучайтирилиб, уни жамиятдаги ижтимоий бирдамлик ва тараққиётнинг асосий таянчига айлантириш ғояси Мурожаатноманинг муҳим ғояларидан бири бўлди.

Шу маънода, 2026 йилнинг — “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши рамзий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки маҳалла – халқ билан давлат ўртасидаги энг яқин бўғин бўлиб, айнан шу ерда инсон муаммолари ҳал этилади, ёшлар тарбияси, ижтимоий ёрдам ва ҳамжиҳатлик таъминланади.




Мурожаатномада маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, уни иқтисодий фаол ҳудудга айлантириш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини ишли қилиш каби аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Яна бир муҳим жиҳат – ёшлар масаласига берилган катта эътибордир. Таълим, илм-фан, спорт, IT ва инновация соҳаларида ёшлар учун яратилаётган имкониятлар Янги Ўзбекистон келажаги айнан билимли ва фаол ёшлар қўлида эканини кўрсатади. Халқаро олимпиадалар, спорт мусобақаларида қўлга киритилаётган ютуқлар, IT хизматлари экспортини ошириш бўйича улкан режалар ёшлар салоҳиятига ишонч ифодасидир.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши курашни кучайтириш масалаларига оид Президент ташаббуслари, ўйлайманки, мен каби кўплаб юртдошларимизни қувонтирди. Хусусан, Президент томонидан “коррупцияга қарши фавқулодда ҳолат” эълон қилиниши бу иллатга нисбатан муросасиз муносабатнинг яққол кўринишидир. Давлат хизматларини рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш, парламент назоратини кучайтириш буларнинг барчаси адолатли ва шаффоф жамият барпо этишга қаратилган ташаббуслардир.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Янги Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичини белгилаб берувчи муҳим стратегик ҳужжат ҳисобланади. Унда халқ манфаатлари, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий адолат, маънавий юксалиш ва глобал рақобатбардошлик ғоялари ўзаро уйғунлашган.

Қолаверса, Мурожаатнома нафақат давлат идоралари учун дастуриламал, балки ҳар бир фуқаро учун масъулият ва фаолликка даъватдир. Шу боис, бирдамлик, меҳнат ва ислоҳотларга ишонч билан ҳаракат қилсак, Мурожаатномада белгиланган улкан мақсадларга, албатта, эришамиз.



# ТАФАККУРНИ СУНЪИЙЛАШТИРИБ БЎЛМАЙДИ

“ADOLAT” газетасининг 2025 йил 7 ноябрь, 44-сонида “МУАЛЛИФНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?” сарлавҳали суҳбат-мақола эълон қилинганди. Юридик фанлар доктори, профессор БОБОҚУЛ ТОШЕВнинг босма нашрлар билан боғлиқ жараёнда ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқи жиддий бузилаётгани, соҳани тартибга солувчи айрим қонун ҳужжатлари амалда ишламаётгани ва бунинг ортидан келиб чиқаётган оқибатлар ҳақидаги фикрлари жамоатчиликни бефарқ қолдирмади. Ижтимоий тармоқлар орқали кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Дарҳақиқат, муаллифлик ҳуқуқи бузилганда, нафақат ижодкор, балки миллат маънавиятининг қадри ҳам топталади. Мавзу чуқур ва кенг тармоқли эканини ҳисобга олиб, уни давом эттиришга қарор қилдик. Устоз билан навбатдаги суҳбатимиз саҳна асарлари яратиш билан боғлиқ жараёнда учраётган муаллифлик ҳуқуқига оид муаммолар атрофида кечди.



**– Устоз, саҳна асарлари учун муаллифлик ҳуқуқи қандай белгиланади?**

***Босма нашрлардан фарқли ўлароқ, саҳна асари кўпинча китоб ҳолида чоп этилмайди, тўғридан-тўғри режиссёрлар қўлига етиб боради. Бунда асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи қандай ҳимоя қилинади? Саҳналаштириш ва ижро ҳуқуқлари қандай тартибга солинади?***

– Қонунчиликка кўра, саҳна асари муаллифлари ҳам бошқа тоифадаги муаллифлар билан бир хил ҳуқуққа эга. Саҳна асарлари муаллиф томонидан бевосита ёзилиши ёки аввал эълон қилинган асар(роман, қисса, эссе, ҳикоя ва бошқа)лардан қайта ишлаш асосида яратилиши мумкин. Аммо ҳар икки ҳолда саҳна асари сифатида эътироф этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 329-сонли қарори билан тасдиқланган *“Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида*”ги низомда Маданият вазирлиги қошида фаолият юритувчи бадиий кенгаш ҳақида фикр юритилган. Унга кўра, ҳар қандай муаллиф ўз асарини саҳналаштириш учун бадиий кенгашга тақдим қилиши мумкин. Бадиий кенгашда кўриб чиқилган асар саҳналаштиришга тавсия этилади.

Бунда вазирлик келгусида саҳналаштириш орқали фойдаланиш мақсадида муаллифлик ҳуқуқини бiratўла олиши ёки асарни қабул қилиб олишда бир марталик ҳақ тўлаши мумкин. Бундай келишув вазирлик билан муаллиф ўртасида ёзма тузиладиган шартномада кўрсатилиши керак.

Агарда муаллиф саҳна учун фойдаланишга розилик билдирса, белгиланган қийматда бир марталик ҳақ олади. Лекин саҳналаштирилган асардан келгусида қанча марта фойдаланилса, муаллиф шунча марта муаллифлик ҳақи олиш ҳуқуқига эга. Шу ўринда муаллиф ёки унинг меросхўрига саҳна асарининг ҳар бир фойдаланилишидан қанча ҳақ тўланиши керак, деган савол туғилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 январдаги 10-сонли қарори билан **“Асарлар оммавий ижро этилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида”** низом тасдиқланган. Бу тартиб хорижий муаллифларнинг асарларига ҳам бир хилда татбиқ этилади.

Саҳна асаридан фойдаланганда ҳақ олиш ҳуқуқи мамлакатимизда муаллиф вафот этганидан кейин 70 йил, хорижий давлатларда эса 50 йилгача амалда бўлади.

***– Драматург ва режиссёр ўртасидаги муаллифлик масъулияти қандай белгиланади? Яъни, саҳнада асар ўзгартирилса, қисқартирилса ёки замонавий талқинда қўйилса, бу муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланадими? Баъзан эса режиссёр ёки адабий эмакдошлар асар саҳнага қўйилгач муаллифлар қаторига киритилганини кўрамиз. Бу қонунчилик меъёрларига қай даражада мос келади?***

– Саҳналаштириш жараёнида муаллифнинг рухсатисиз асарга ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди. Амалиётда асар саҳналаштирилаётганда муаллифлар таклиф этилади ва асарга ўзгартириш киритиб бериш сўралади. Режиссёр ёки эмакдошларнинг асарга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Улар, муаллиф рози бўлмаса, асар ҳаммуаллифи сифатида кўрсатилиши ҳам мумкин эмас.

Қонунчиликда саҳналаштирувчи режиссёрнинг саҳналаштирилган асардан келгусида такроран фойдаланишда муаллифлик ҳақи олиш ҳуқуқи белгиланмаган. Аммо кинофильм, мультфильм, сериал, новелла ва бошқа аудиовизуал асарлардан такроран фойдаланишда сценарий муаллифи сифатида саҳналаштирувчи режиссёр ҳам муаллифлик ҳақи олиши мумкин.

***– Кўплаб театрларда пьесалар “мослаштириш” ёки “эркин талқин” номи билан саҳнага чиқарилади. Бундай ҳолатларда драматургнинг рухсати талаб этиладими? Агар муаллиф билан олдиндан келишмай ўзгартириш киритилган бўлса, қонун нуқтаи назаридан қандай баҳоланади?***

– Аввал китоб ҳолида нашр этилган ёки бошқача шаклда эълон қилинган асардан саҳнада фойдаланиш мумкин. Бунда, албатта, муаллиф(драматург)нинг розилиги талаб этилади. Саҳна асарининг сценарийсини бевосита муаллифнинг ўзи ёзиб бериши ёки муаллиф рухсат берса, бошқа шахс ёзиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам улар саҳна асари муаллифи сифатида тан олинади. Муаллифнинг розилигисиз асарни инценировка қилиб, саҳнага қўйишга рухсат этилмайди.

Агарда муаллиф розилиги билан асар инценировка қилинган ҳолда саҳнага қўйилса ва ундан доимий равишда такрорлаш шаклида фойдаланилса ҳам асосий матн муаллифи, ҳам сценарий муаллифига муаллифлик ҳақи тўланади.

***– Театрлар кўпинча драматургларга гонорар тўламасликка интилиши сир эмас, айрим асарларни бепул саҳналаштириш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бундай муаммоларни бартараф этиш учун амалдаги қонунчиликда қандай механизмлар мавжуд ёки бўлиши керак?***

– Ҳар қандай асардан хоҳ у тижорат, яъни чипта сотиш орқали ёки бепул намойиш этиш мақсадида фойдаланилсин, муаллиф ва сценарий муаллифига тегишли ҳақ тўланиши керак. Ҳақ миқдори юқорида кўрсатилган низомда аниқ белгиланган.

***– Кўпинча театр режиссёрлари ёш драматурглар етишиб чиқмаяпти, яхши пьесалар кам, деб нолишади. Ваҳоланки, кўплаб адабий танлов-йиғинларда айнан ёш драматургларнинг асарлари юқори баҳо олаётганини кўриб турибмиз. Шунга қарамасдан, уларнинг пьесалари саҳна юзини кўрмаётгани ҳам бор гап. Сизнингча, бунинг сабаби нимада? Иқтисодий, маънавий ёки ҳуқуқий муаммолар борми?***

– Албатта, асардан саҳнада фойдаланиш ҳуқуқи театрларнинг иши. Буни театр раҳбарлари ўзи мустақил ҳал этади. Ҳеч ким ўз асарини театрда саҳналаштиришни талаб қилолмайди.

Асарларнинг савиясига фуқаролар, мутахассислар ёки турли муассасалар муносабат билдириши мумкин. Мутасадди вазирликлар асарлардан фойдаланишни тарғиб қилиши тўғри йўл ҳисобланади. Давлат ўзи юритаётган сиёсатни ёритишга асосланган, сифатли ва мазмуни мукаммал асарлардан фойлаланишни қўллаб-қувватлайди.

Турли муассасалар, масалан, таълим ташкилотлари ёш муаллифлар асарларидан фойдаланишга тавсия этиши мумкин. Яъни, худди буюртма, мақсадли асар сифатида.

***– Интернет ва рақамли платформаларда театр пьесалари тарқатилиши, видеоижролар жойланиши муаллифлик ҳуқуқига соя солмайдими? Масалан, спектакль ёзувининг онлайн эълон қилиниши учун драматургнинг рухсати талаб этиладими?***

– Дастлабки шартномада асардан қайси мақсадда фойдаланишга келишилган бўлса, фақат шу мақсадда фойдаланилиши лозим. Масалан, театрда саҳналаштирилган ва қўйиб борилаётган асарни, агарда театр билан муаллиф (меросхўр) ўртасидаги шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, телевидение ёки радиостанциялар томонидан ёзиб олинишини ва оммавий намойиш қилиниши ёхуд радио орқали эфирга узатилишига йўл қўйилмайди.

Саҳнада қўйилаётган асарни муаллиф (драматург) рухсатисиз бир вақтнинг ўзида онлайн узатиш ҳам мумкин эмас.

***– Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳолатларига драматурглар қандай муносабатда бўлади? Улар судга мурожаат қиладими ёки бу масалаларни “ижодий муҳит” доирасида ҳал этиш афзалми?***

- “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 62-моддасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш, деб топиладиган ҳолатлар санаб ўтилган. Хусусан:

- *ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқ объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш;*

- *ушбу қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;*

- *ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқлардан ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;*

- *ҳуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш деб баҳоланади.*

Мана шу ҳуқуқлар бузилганда драматург ҳуқуқбузарлар билан муросага келолмаса, бузилган ҳуқуқини тиклаш ва етказилган моддий, маънавий зарарни ундиришни сўраб судга мурожаат қилиши мумкин. Кейинги пайтларда бундай низоли ишлар судда кўрила бошлангани фикримизни тасдиқлайди.

Қонунчиликда ҳуқуқбузар асардан рухсатсиз фойдаланганда зарарни аниқлашнинг имкони бўлмаса, зарар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва айб даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарар қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўланади.

***– Сизнингча, театр соҳасида муаллифлик маданиятини шакллантириш учун нима қилиш керак? Таълим тизими, ижодий уюшмалар ёки давлат сиёсати бу борада қандай роль ўйнаши мумкин?***

– Менимча, маданият ва санъат йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаётган таълим муассасаларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар фан ёки курс сифатида ўқитилиши керак.

Ёшлигидан муаллифлик ҳуқуқи асосларидан хабардор бўлган муаллиф, ижрочи ёки асарлардан фойдаланишни ташкиллаштирувчи шахслар соҳа ҳуқуқларини яхши ўзлаштирадилар, келгусида ҳуқуқ бузилишидан тийилади. Ўз ҳуқуқларини талаб қилиш, ҳимоялаш салоҳиятига ҳам эга бўлишади.

***– Сунъий интеллект даврида драматургнинг роли қандай ўзгаради, муаллифлик ҳуқуқи технологик асрда қандай янгича шаклларга эга бўлади, деб ўйлайсиз?***

– Албатта, сунъий интеллект ёрдамида театр ёки томоша қўйиш билан шуғулланиб келаётган шахслар асар яратилишини ташкил этиши, уни саҳналаштириши, келгусида муаллифликни даъво қилиши ҳам мумкин. Лекин инсон орзу-умидлари, ҳис-ҳаяжони сингдирилмаган асар “кўча асари” бўлиб қолади. Бундай асардан жамиятга фойда йўқ. Асар инсоннинг руҳияти сингдирилган маънавий неъматдир. Инсоният тафаккури замон билан бирга ўзгариши керак. Тафаккурни сунъийлаштириб бўлмайди.

Муаллиф асаридан фойдаланишни ташкил этиш ва уни автоном тарзда назорат қилиб боришда юқори технологиялар қўлланмоқда, бунда сунъий интеллектнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда дунё бўйича кимнинг асаридан, қайси шаклда, қаерда, неча марта фойдаланилгани ва ҳуқуқ эгасига қанча ҳақ ёзилганини билиш мумкин. Инсон омилисиз муаллифлик ҳуқуқига риоя этилаётганини амалга оширувчи халқаро доирадаги самарали ва ишончли бошқарувга эга платформалар ишлаб турибди. Бундай фаолиятни муаллифлар мулкий ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар амалга ошириб келаяпти.

***– Фикр-мулоҳазаларингиз учун раҳмат. Ўйлаймизки, бу борадаги суҳбатимиз давом этади.***

**Орифжон ОДИЛОВ**
**суҳбатлашди**




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарияти ДИҚҚАТИГА!




# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, БАНКОМАТ...

*Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари.*

*Сўзимнинг аввалида айтиб қўя қолай, Янги йилнинг дастлабки кунлари кимнингдир кайфиятини бузиш, байрамга ярашмаган гапларни гапириб, сизларнинг ҳам кўнглингизни хижил қилиш ниятим йўқ эди.*

*Афсуски, вазият шунга мажбур қилди.*

*Ўтган йилнинг 10 декабрь куни аёлим ва келинлар Янги йил олди невараларга совға-салом олиш мақсадида пойтахтнинг “Абу Сахий” бозорига борадиган бўлишди. Уларга пластик карточкамни бердим. Картамда 1 500 000 (бир миллион беш юз минг сўм) пул бор эди. Соат 13.08 да қўл телефонимга картамдан 1 010 000 (бир миллион ўн минг) сўм нақд пул ечиб олингани ҳақида хабар келди...*

*Орадан ярим соатлар ўтиб, аёлим картамда мен айтган сумма йўқлигини айтди. Унга ярим соат аввал пластик картадан 1 010 000 (бир миллион ўн минг) сўм нақд пул ечиб олинганини айтдим...*

*Ҳаммаси шундан кейин бошланди.*

*Менга маълум қилишларича, келиним бозор ҳудудига ўрнатилган “APEX” банкка тегишли банкоматдан 1 000 000 (бир миллион) сўм нақд пул олмоқчи бўлган. Банкомат “Амалиёт амалга ошмади”, деб жавоб бергач, шу жойнинг ўзидаги айнан шу банкка тегишли бошқа бир неча банкоматга борган. Гапнинг қисқаси, банкоматларнинг ҳаммасида амалиёт амалга ошмаган...*

*Энг қизиғи эса, келиним бошқа банкка тегишли банкоматга борганида пластик картадан пул ечиб олингани маълум бўлган...*

*Бундай пайтда нима қилинади? Тўғри топдингиз, биз ҳам “APEX” банкнинг колл марказига қўнғироқ қилдик. Марказдагилар айтишдики, “Аризангиз қабул қилинди, беш иш кунида пластик картангиздан ноқонуний ечиб олинган маблағ сизга қайтарилади”.*

*Беш кунда пулингизни қайтариб беришаркан-ку, шунга ҳам ота гўри қозихонами, дейишга шошманг. Чунки, аввалига биз ҳам шундай ўйлаган эдик. Афсуски, бундай бўлиб чиқмади...*

*Беш кундан кейин телефон қилдик. Жавоб берувчилар ҳам, жавоблар ҳам ҳар хил: “Ўрганаяпмиз...”, “Жавобини айтамиз...”, “Инкассация жараёни кетаяпти...”*

*Хуллас, орадан ўн кун ўтди ҳамки пул йўқ. Биз аввал бошда банкдагиларга ваъда қилинган беш иш кунида муаммомиз ҳал бўлмаганини айтамиз, бунга жавобан яна юқоридаги баҳоналар такрорланади...*

*Ниҳоят, пластик картамдан ноқонуний пул ечиб олинганининг ўн иккинчи куни, яъни 22 декабрда соат эрталабки 10 лар чамаси яна банк колл-марказига қўнғироқ қилиб, савол бердим: “Агар пластик карта бирор бир кекса, касалманд кишига тегишли бўлиб, у дори олиш учун ўз пулини нақд қилмоқчи бўлган бўлса-ю, менинг бошимга тушган ташвиш унинг ҳам бошига тушса, ўша одамнинг ҳоли нима кечиши ҳақида ўйлаб кўраяпсизларми, ўзи?!”*

*Жавоб жуда оддий бўлди: “Инкассация бўлаяпти. Сизга ўзимиз қўнғироқ қиламиз...”*

*Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, бизга “қадрдон” бўлиб қолган банк колл-маркази рақамидан қўнғироқ бўлди. Хурсанд бўлиб кетганимдан шоша-пиша телефонни кўтардим. Гўшакдаги овоз совуққина оҳангда “ҳукм” ўқиди:*

*– Ички ишлар бўлимига мурожаат қилинг!..*

*Хўш, йиғлайинми, кулайинми, ўзим ҳам билмай қолдим. Ўн икки кун кутганим бир ёқли бўлди-ю, олган жавобим бир ёқли бўлди...*

*Узоқ сўраб-суриштириб англаганим шу бўлдики, менинг пластик картам ишлатилганда “амалиёт амалга ошмади”, деб жавоб берган банкомат, орадан бир неча соат ўтиб, шу банкоматдан фойдаланмоқчи бўлган фуқарога менга тегишли пулни чиқариб берибди.*

*Шу гапга сиз ишонасизми?! Тўғри, ишонмайсиз. Мен ҳам ишонмадим. Лекин ишонган-ишонмаганимдан нима фойда. Куппа-кундуз куни мени бир миллион сўмимни “уриб” кетишди. Пулимни ўғрига олиб бергани учун банк мендан яна ўн минг сўм хизмат ҳаққи ҳам олган. Ўғри эса...*

*Энди мен Ички ишлар идораларига мурожаат қилиб, шусиз ҳам ишлари бошидан ошиб ётган ИИБ ходимларини овора қилишим керакми? Аслини олганда пулни нақдлаштириб бераётгани учун бир фоизлик устамани қуртдек санаб олаётган банк ўз банкомати учун ўзи жавоб бериши керак эмасми?*

Сиз бунга нима дейсиз?

**МИЖОЗ ...26 13**

**ТАҲРИРИЯТДАН.** Мурожаатни ўқиб чиқиб, биз ҳам ёқамизни ушладик. Кўнглимизда бир қатор саволлар туғилди. Хўш, қайсидир бир банк томонидан ўрнатилган банкоматнинг айби учун нега мижоз овора бўлиши керак?! “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун”, деган дабдабали шиоримиз қаерга йўқолди?! Нега банкнинг ёки банк томонидан ўрнатилган банкоматнинг хатоси учун мижоз идорама-идора югуриши керак?! Нега банкоматдан 10 декабрь куни пул ечиб олинганини аниқлаш учун мижоз 22 декабргача, яъни ўн икки кун овора-ю сарсон бўлди?!

Қизиқ, қачондан бери мижозларнинг оғирини енгил қилишга мўлжалланган банкоматлар талончилик воситасига айланиб қолди? Ва айнан улкан бозор марказида қаторлашиб қаққайиб турган банкоматларнинг ҳаммаси бирданига ишламай қолиши сизда шубҳа уйғотмаяптими?

Умид қиламизки, юқоридаги саволларга мутахассислардан тез орада жавоб оламиз.

Ҳа, айтганча, бизда аризачининг исм-шарифи, яшаш манзили, банк картаси тарихи, хуллас, ҳамма-ҳаммаси бор...



14 YANVAR
VATAN HIMOYACHILARI KUNI

Ҳар қандай мустақил давлатнинг барқарор тараққиёти, тинчлиги унинг хавфсизлик кафолатлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу кафолатларни таъминлайдиган асосий куч эса миллий армиядир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари нафақат ҳарбий тузилма, балки мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори, халқ осойишталигининг қалқони ҳисобланади.

# Мустақиллигимизнинг мустаҳкам таянчи

**Орифжон ОДИЛОВ,**
**журналист**

Ҳар йил 14 январь – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилган сана Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонланиши ҳам бежиз эмас. Бу кун мустақил Ўзбекистон ўз тақдирини, келажагини ўзи белгилаш йўлида қўйган энг муҳим қадамлардан бирининг рамзий ифодасидир. Зеро, ҳар қандай суверен давлат учун ўз Қуролли Кучларига эга бўлиш мустақилликнинг ажралмас шарти ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари дунё миқёсида ўта мураккаб, зиддиятли ва нотинч давр эди. Совет Иттифоқи парчаланиши ортидан Марказий Осиё минтақасида янги геосиёсий воқелик шаклланаётган, хавфсизлик билан боғлиқ масалалар эса ҳар қачонгидан ҳам долзарб тус олганди. Шундай шароитда миллий давлатчиликни сақлаб қолиш, ҳудудий яхлитликни таъминлаш, ташқи ҳамда ички таҳдидларга қарши муносиб туриш учун кучли армияга эҳтиёж юзага келади.

Шу боис ҳам мустақилликка эришилганидан кўп ўтмай – 1992 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилди. Бу қарор тасодифий ёки шошма-шошарлик билан қабул қилинган эмас, балки ўша даврнинг қатъий талаби, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган стратегик қадам эди. Республика ҳудудида жойлашган Туркистон ҳарбий округи таркибидаги қисмлар, қўшинлар, техника ва қурол-аслаҳалар Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. Шу тариқа мустақил давлат ўз хавфсизлик тизимини барпо этишга мустаҳкам замин яратди.

Бу жараён, албатта, осон кечмаган. Илк йилларда моддий-техника таъминоти, кадрлар масаласи, бошқарув тизимини шакллантириш каби кўплаб муаммолар мавжуд бўлиши табиий эди. Бироқ мураккаб шароитга қарамай, миллий армияни шакллантириш, уни давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган даражага олиб чиқиш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Ўтган 34 йиллик янги тарих давомида Қуролли Кучларимиз шарафли йўлни босиб ўтди. Бу давр шаклланиш, такомиллашиш, тажриба орттириш ва янги босқичларга кўтарилиш даври бўлди. Армиямиз ўз олдидаги асосий вазифа – Ватан мустақиллиги, юрт тинчлиги ва чегаралар дахлсизлигини таъминлаш борасида шарафли бурчини аъло даражада уддалаб келмоқда.

Айниқса, мамлакатимиз чегараларини ҳимоя қилиш, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни таъминлашда Қуролли Кучларнинг ўрни беқиёсдир. Бугун Ўзбекистон ўзининг тинч, барқарор ривожланаётган давлат сифатида намоён этаётгани, шубҳасиз, армиямиз салоҳияти билан ҳам боғлиқ.

Миллий армия фақат жанговар вазифаларни бажариш билан чекланиб қолмаяпти. Фавқулодда вазиятларда аҳолига ёрдам кўрсатиш, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, тинчликпарварлик вазифаларида иштирок этиш орқали ҳам Қуролли Кучлар халқ билан елкадош эканини амалда намоён этаётир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Қуролли Кучларини ривожлантириш борасида янги босқич бошланганини алоҳида қайд этиш лозим. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсати, иродаси сабаб мудофаа тизимимиз замонавий қиёфа касб эта бошлади. Армиянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, энг муҳими, ҳарбий хизматчиларнинг касбий-тактик ва маънавий тайёргарлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Бугун ҳарбий хизматчиларга қўйилаётган талаблар фақат жисмоний тайёргарлик ёки интизом билан чекланиб қолмайди. У замонавий фикрлай оладиган, ахборот технологияларини ўзлаштирган, стратегик қарор қабул қилиш қобилиятига эга мутахассис бўлиши лозим. Шу маънода ҳарбий таълим тизими тубдан янгиланиб, ҳарбий академиялар, ўқув марказлари фаолияти замон талабларига мослаштирилди.

Натижада, Қуролли Кучларимиз тобора профессионал, ҳаракатчан ва самарали тузилмага айланди. Халқаро жамоатчилик томонидан Ўзбекистон Қуролли Кучларининг минтақадаги энг салоҳиятли ва илғор армиялардан бири сифатида тилга олинаётгани бежиз эмас.

Бир вақтлар турли йўллар билан ҳарбий хизматга боришдан бўйин товлаш ҳолатлари учрагани бор гап. Афсуски, тартиб-интизомнинг қониқарли бўлмагани ўша замонларда юзлаб ўзбек йигитларининг армиядан тобутда келишига сабаб бўлгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Аммо мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар бугун хизматга боришни йигитлар учун шараф даражасига кўтарди. Қолаверса, ҳарбий хизматдан қайтган аскарларга турли имтиёзлар берилиши армия жозибадорлигини ҳам оширмоқда. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматни намунали хулқ ва жисмоний тайёргарлик даражаси билан ўтаган йигитлар олий таълим муассасаларига киришда қўшича имтиёзларга эга бўлади. Бу келгусида офицерлар таркибини баркамол авлод билан тўлдириб боришда ҳам қўл келяпти.

Ҳар қандай ислоҳот амалда натижа кўрсатсагина самарали ҳисобланади. Сўнгги йилларда ҳарбийларимизнинг халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётгани бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг меваси десак, адашмаймиз. Айниқса, ўтган 2025 йил бундай ютуқларга бой бўлди. Покистон Ислом Республикасида ўтказилган VIII Халқаро “Жамоа руҳи” мусобақасида ўзбек разведкачилари 95% натижа билан тарихий рекорд ўрнатгани, Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро мерганлар мусобақасида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси АҚШ, Германия, Руминия, БАА, Таиланд, Вьетнам, Қатар, Мўғулистон каби давлатларнинг 16 та жамоасидан ўзиб кетгани, АҚШнинг Миссисипи штатида ўтган “Энг илғор жангчи – 2025” мусобақасида ғолибликни қўлга киритгани фикримиз тасдиғидир.

Бу каби мусобақалар фақат куч синаш майдони эмас, балки тажриба алмашиш, замонавий ҳарбий ёндашувларни ўрганиш, касбий маҳоратни ошириш учун ҳам муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон ҳарбийларининг бундай тадбирларда муносиб иштирок этиши армиямиз тайёргарлик даражасининг халқаро мезонларга жавоб бераётганини кўрсатади.

Энг муҳими, бу ютуқлар ортида тизимли тайёргарлик, интизом, масъулият ва Ватанга бўлган садоқат мужассам. Ҳар бир ғалаба нафақат ҳарбийларнинг, балки бутун халқимизнинг ғururидир.

Бугунги глобал дунёда хавфсизлик тушунчаси тобора долзарблашиб бормоқда. Анъанавий ҳарбий таҳдидлар билан бир қаторда киберхавфлар, ахборот хуружлари, трансмиллий жиноятчилик, экстремизм каби омиллар ҳам олдимизга янги вазифаларни қўяяпти. Ана шундай мураккаб ва таҳликали шароитда Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада ошиб боради.

Шу маънода ҳар бир суверен давлат учун Ватанга, халққа ва қонуний раҳбариятга садоқатли ўғлонлар зарур. Чунки армия фақат техника ёки қурол билан эмас, балки инсон омили билан кучли. Ватанни ҳимоя қилишга тайёр, маънан баркамол, онгли ҳарбий хизматчилар бор экан, мамлакат хавфсизлиги ишончли қўлларда бўлади.

Қуролли Кучлар ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муҳим ўрин тутишини унутмаслик керак. Армия сафида хизмат қилиш ёшлар учун ҳаёт мактаби вазифасини бажаради. Бу ерда интизом, масъулият, жамоа билан ишлаш, қийин шароитларда тўғри қарор қабул қилиш каби ҳаётий кўникмалар эгалланади.

Шу боис ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки шарафли вазифа сифатида қабул қилиниши лозим. Бугун ёшлар орасида ҳарбий касбга қизиқиш ортиб бораётгани, ҳарбий таълим муассасаларига талаб юқорилиги юртимизда ватанпарварлик руҳи мустаҳкамланаётганидан дарак беради.

**Ватан ҳимоячилари куни арафасида ҳар биримиз миллий армиямиз билан фахрланишга, ҳарбий хизматчиларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга ҳақлимиз. Чунки уларнинг тинч кунларимиз, осуда ҳаётимиз учун қилаётган хизматлари ҳар қандай эътирофга муносиб. Ишонамизки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари келгусида ҳам мустақиллигимиз, тинчлигимиз ва тараққиётимиз йўлида ўз шарафли бурчини сидқидилдан адо этишда давом этади.**

## Ҳикматлар

## Юрт қўриганнинг юрти бузилмас

- *Эл қудрати – чин қудрат,*
  *Ватан тупроғи – қиммат.*
- *Юрт бошига иш тушса,*
  *Эр йигит ҳозир.*
- *Туғилган ердан кўнгил узилмас,*
  *Юрт қўриганнинг юрти бузилмас.*
- *Юрт қўрисанг, ўсарсан,*
  *Қўримасанг, тўзарсан.*
- *Тинчлик – фаровонлик йўлдоши.*
- *Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас.*
- *Ватани борнинг бахти бор,*
  *Меҳнати борнинг – тахти.*
- *Ватанинг тинч – сен тинч.*
- *Ватанни сотган эр бўлмас.*
- *Булбул чаманни севар,*
  *Одам – Ватанни.*
- *Ватанга келган – имонга келар.*
- *Ватансиз инсон – куйсиз булбул.*
- *Она ернинг тупроғи – она сутидан азиз.*
- *Она юртинг – олтин бешигинг.*
- *Туғилган еринг – Ватанинг,*
  *Ватанинг – номусинг.*
- *Эл бор бўлса, эр хор бўлмас,*
  *Эр бор бўлса, эл хор бўлмас.*
- *Ўз уйим – ўлан тўшагим.*
- *Ўз юртингнинг қадри*
  *Ўзга юртда билинар.*
- *Эл бошига кун тушса,*
  *Эл яратган эр келар.*
- *Эл бошига тушгани –*
  *Эр бошига тушгани.*
- *Балиқ сув билан тирик,*
  *Одам — эл билан.*
- *Булбул чаманни севар,*
  *Одам — Ватанни.*
- *Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф.*
- *Ватангадо бўлгунча*
  *кафангадо бўл.*

## Тўйхат ўрнида



# Энг одил ҳакамнинг садоқатли синчиси

“Адабиётни, таъбир жоиз бўлса, одил судловга қиёслаш мумкин. Табиийки, одил судлов деганда адолатни фақат шиор қилиб олган-у, бошқа бир идоранинг ёки қўли узун мансабдорнинг етовида ҳукм қиладиган эмас, Ҳақ ва ҳақиқатни устун биладиган, чинакам адолатга таянадиган тизим назарда тутиляпти. Бинобарин, одил судлов жиноят ва қабоҳат устидан қонуний ҳукм чиқарса, адабиёт жаҳолат ва ёлғон устидан бадиий-фалсафий ҳукм ўқийди. Одил судлов бир ёки бир гуруҳ жиноятчилар қилмишини тафтиш ва таҳлил қилиб, муносиб жазо тайинласа, адабиёт нафсу ҳаво қулига айланган алоҳида кимсаларгина эмас, ҳирсу ҳавас ботқоғига ботган нобоп жамият устидан ҳам бадиий-фалсафий ҳукм қилиш имконига эга. Одил судлов асосан ашёвий далиллар, гувоҳлар кўрсатмалари билан иш кўрса, адабиёт инсоннинг ботин оламидаги қабоҳатни, руҳиятидаги сохталик ва шууридаги ёлғонни ҳам ҳақиқат тарозисига торта билади”.

**Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Ажойиб ўхшатиш, шундай эмасми? Кутилмаган, лекин ҳаққоний мушоҳада. Ҳикмат муаллифи эса кўпчилигимиз яхши биладиган, неча-неча йиллардан буён ўшал энг одил ҳакамга ҳалол-пок, ўзининг таъбири билан айтганда, Ҳақ ва ҳақиқатни устун билиб, чинакам адолатга таянган ҳолда хизмат қилиб келаётган билимдон, фидойи, меҳнаткаш, ҳар бир масала юзасидан ўз нуқтаи назарига эга, нуктадон олим Нурбой Жаббордир.

Шубҳасиз, ҳаммамизга аён, Нурбой аканинг мақола-тадқиқотларида бундай қуйма, теран, кўламдор мулоҳазалар кўпдан-кўп учрайди. Камина эса, томчида қуёш акс этгани каби, бу улкан хирмондан кўнглимга яқинроқ биттасини танлаб олдим, холос.

Энди икки оғиз олим билан қандай танишганимиз борасида.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталари. “Ёшлик” журналида ишлаб юрган кезларим. Тўғриси, Фурқат ижоди ва ҳаётидан оз бўлса ҳам хабарим бор, деб юрардим. Аммо ёш бир тадқиқотчи олимнинг шоир ҳақида кетма-кет тақдим этаётган, ҳаяжон ва илҳом билан ёзилганлиги шундоққина кўриниб турган мақолаларини ўқирканман, бу борада билганларимдан билмаганларим мўл эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Мақолаларки, таҳририят кўзга суртиб олса арзийди: сермазмун, янгиликлар жамланган, бирон жумла таҳрирталаб эмаслиги муаллифнинг юқори малакасини кўрсатиб турибди, имло хатосини эса кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз. Тап-тайёр!

Ташқи кўриниши ўзимизнинг чўл йигитларига ўхшаш, дўриллоқ овозли, сермулоҳаза, серандиша, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам вақтини қизғанадиган тадқиқотчи билан бир-икки марта Фурқат хусусида мириқиб гурунглашдик, суҳбат асносида ўзимнинг кўп саволларимга батафсил жавоблар олдим. Шундай кунларнинг бири “ойнаи жаҳон”да тасодифан Нурбой домланинг оқшом кенг далада, гулхан ёнида дўмбира чалиб қўшиқ айтаётганини кўриб қолдиму, “Э, бу киши ўзимиздан экан-у!” деб юбордим беихтиёр. Илло, бобом бахши ўтган, бу санъатдан отамга ҳам оз-моз юққан-да...

Вақт югуриб ўтаверди. Бу орада тиришқоқ Нурбой Жабборнинг ўнлаб, юзлаб мақолаларини ўқидик, домланинг ўзи фан доктори, профессор, университетда декан бўлди. Бизни ҳайратлантиргани – олимнинг ҳам мумтоз, ҳам замонавий адабиёт бўйича чуқур билимга эгалиги эди. Адабиётда неки янгилик бор – Нурбой домла барчасидан бохабар. Ёдимда, университетга бир танишимиз билан боргандик. Йўлакда кетарканмиз, туйқусдан деканат эшиги очилди ва бизнинг девдай гавдали Нурбой домламиз важоҳат билан қучоқ очиб келаверди: “*Фалон асарни ёзган муаллифни бир бағримга босмасам бўлмайди...*”

Истеъдодли одам ҳар томонлама истеъдодли бўлади. Сўнгги йилларда Нурбой Жабборни биз кучли публицист сифатида кашф этдик. Замона зайли билан домла “Нурбой Жаббор сабоқлари” номли телеграм-канал очган. Унда эълон қилинаётган бири-биридан қизиқарли, ибратли, мулоҳазага чорловчи мақолаларни узлуксиз ўқиб борамиз. Ҳатто ўзимизга жуда маъқул бўлиб кетганларини шартта газетамизда чоп этамиз ҳам. Тап-тайёр материал-да. Сўнг, узр сўраб (“зўр нарса экан, кўпроқ одам ўқисин дедик-да”) домлага газетанинг PDF вариантини юбориб қўямиз. Нурбой домла ўзига хос бағрикенглик билан бизнинг гуноҳимиздан ўтади, ҳаттоки миннатдорлик билдириб ҳам қўяди.

Ахир аслини олганда ҳам домланинг *“Улуғликка китобсиз эришиб бўлмайди”, “Адабиётнинг кучи”, “Адабиёт – олий ҳакам”, “Бизни кемиргувчи иллатлар”...* каби мазмун-моҳияти баланд мақолалари, маърузалари иложи борича кўпроқ ўқирманлар қўлига етиб бориши керак эмасми?.. Шу ўринда домланинг шундай чиқишларидан биридан кичик иқтибос келтириб ўтмасам бўлмас: *“Ўзим гувоҳи бўлган воқеа: бир қанча йиллар муқаддам маҳалламизда яшайдиган камхарж бир қўшнимиз қиз узатди. Тўйнинг барча жиҳати гўё “рисоладагидек” ўтди. Натижа шундай бўлдики, тўйдан кейин беш хонали уй уч хоналига алмаштирилди. Иккинчи қизини узатгач эса шаҳар чеккасидаги икки хонали уйга кўчиб ўтди. Худди шу одам (бошқа кўпчилик ҳам) фарзандларининг илм олиши, салоҳиятли мутахассис бўлиб етиши учун тўйга ҳаракат қилганичалик ғам чекмайди. Бу ҳол, Беҳбудий тўғри таъкидлаганидек, тўй васвасаси “бизни кемиргувчи иллат”га айланганидан далолат беради. Айтинг-чи, қачон қутуламиз бу каби иллатлардан? Илм-маърифатни дабдабабозликдан устун қўйишни ўрганмас эканмиз, мутараққий миллатлар даражасига юксала олмаслигимиз аён”.*

Домла билан икки-уч йил бурун Зоминда дам олишда бирга бўлдик. Торроқ даврамиздаги самимий гурунг маҳаллари у кишининг зиёлилар ҳаётидан айтиб берган, аниқроғи, шундоққина қаҳрамонлари образига кириб кўрсатиб берган ичакузди ҳангомалари ҳали-ҳамон ёдимизда. Ўзиям, кулавериб ётиб қолгандик... Албатта, бу энди алоҳида мавзу.

Хуллас, ёзаверсак гап кўп. Муддаога ўтсак, бунга ишониш қийин, аммо тақвимга кўра бугунги адабий жараёнда ўзига хос ва мос овозига, ўз ўрнига эга Нурбой Жаббор домла умрининг олтмишинчи довонига чиқай деб турибди. Сизни қарши олаётган муборак ёш қутлуғ бўлсин, олим бобо!




**Мундоқ қарасанг, 40, 50 ёшлилар учун бу жуда қийин юмуш эмас. Ҳатто ота-она етмишдаям** (зарур бўлса, ундан кейин ҳам) **боласига ғамхўрлик қилиш учун куч топади. Лекин гап бунда эмас-да: болалигу ўсмирлик, ёшлик даврида қўлидан келган иш, юмушларни сидқидилган бажариб, катталарнинг оғирини енгил қилишга ўрганиб, кўникиб, ўзи ва ўзгаларни хурсанд қилишни билмаган бола қай бир куни тонгда тасодифан бошқача – ота-онасини ҳурматлаб эҳтиётлайдиган, уларнинг оғирини енгил қилишни бурч деб биладиган фарзанд бўлиб уйғониши мумкинми?!**

# ЗАМОНАВИЙЛИКНИНГ МЕЪЁРИ БОРМИ?!

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## “ҚИЗИМ ИТГА БОҒЛАНИБ ҚОЛДИ”

Ўз соҳасида таниқли олима бўлган танишим қизи ҳақида гапириб қолди:

– Магистратураниям битирди, ишлари ёмон эмас. Фақат... мана, ўттиздан ошди, турмушга чиқмайман, дейди. Ёмон яшамадим, обрў ҳам, мукофотлар ҳам топдим. Етмишга қараб боряпман, энди асосий ташвишим мана шу икки болам... Ўғлимнинг, шукр, ўғли, қизи бор. Ҳозир бошим ўйдан чиқмайди... Мулоҳаза қилиб кўрсам, хато ўзимдан ўтган...

Бундай пайтда савол беришгаям шошмайсан, чунки “ҳамсуҳбатим дардини чуқурлаштириб, янгилаб қўймай” деган истиҳола бор. Танишим гапида давом этди:

– Мен қизимга бир пайтлар кичкина кучукча совға қилгандим, ўшанда унинг хурсанд бўлганидан қувониб юргандим.

– Кўп қаватли уйда яшайсизлар-ку, – дедим икки хонали уйда кучук бирга яшашини тасаввур қила олмай.

– Ҳа, энди... ўшанда баъзи бир замонавий яқинларимиз тор уйлардаям ит, мушук боқишаётганини кўриб, қизимнинг жуда ҳаваси келганди-да... Ўша кучук ҳозир катта ит бўлган. Қизим итга боғланиб қолди, бўш вақтларини асосан шуни кўчада сайр қилдириш, ювинтириш, овқатлантириш билан ўтказади.

Тўғриси, охирги гапдан ғалати бўлиб кетдим.

– Катта ит билан битта уйда яшаш бошқаларгаям ноқулай бўлса керак?

– Шунинг учун қизим алоҳида квартирада яшайди.

Бу гапдан янаям ҳайронлигим ошди:

– Адашмасам, ўғлингиз оиласи билан алоҳида бўлиб чиқиб кетган. Эрингиз вафот этганигаям анча йил бўлиб қолди. Қизингиз ҳам бошқа уйда бўлса, ўзингиз ёлғиз турасизми?

– Қизимгаям, менгаям алоҳида-алоҳида яшаганимиз яхшироқ. Узоқ гаплашсак, фикримиз фикримизга тўғри келмай, баҳслашиб қоламиз...

Юқоридаги гапларни ўйлаб топганим йўқ. Эшитганларимни анча юмшатиб, қолипга солиб ёзяпман. Шу пайтгача ўша танишимнинг кийиниши, юриш-туриши, оиласи, касби, жамиятга муносабатларидаги дадиллиги, биринчилар сафида юриши, ўз фикрларини ҳар қандай шароитда ўтказишга усталигига ҳавасим келган. “Қачонгача иккиланишлар исканжасида “Ким нима деркин?” деб яшаш мумкин? Тўғри қилади!” деб уни оқлаган пайтларим кўп бўлган. Аммо... оқибати кексайганда ўз болаларинг сен билан келишишни, бирга яшашни, билиб-билмай айтиб юборишинг мумкин бўлган гапларингни мулоҳазаю тушунвчанлик билан қабул қилишни истамай қолишига олиб келадиган замонавийлик меҳру мурувват таназзулининг илдиз ота бошлагани эмасми?

## БОЛАНИ ТАНБАЛЛИККА ЎРГАТИШ ЗАМОНАВИЙЛИКМИ?

Анча йиллар олдинги яна бир ҳолат ёдимга тушди: журнал таҳририятида ишлардик. Рассомимиз аёл киши, бир қиз, бир ўғли бор эди. Суҳбатларида олтмиш ёшлардан ўтган ҳамкасбимнинг болаларига ҳар куни ўзи овқат пишириб, идишга солиб дастурхонга олиб келишидан тортиб, таомланиб бўлишганидан кейин ювиқсиз идишларниям ўзи йиғиштириб, ювиши маълум бўларди. Мен ҳайрон қолардим, аммо рассом она учун бири рассомликка, иккинчиси ҳайкалтарошликка ўқиётган болаларининг чойини дамлаб бериб, пиёласигача ювиб қўйиши оддий ҳолат эди. Атрофдагиларнинг наздида улар ўша даврнинг энг маданиятли, замонавий оилалари вакиллари эди. Ҳозирги пайтда замонавийликнинг бу кўринишига этимиз ўлиб бўлди: “Болам инглиз тили (мусиқа, компьютер, рассомлик, спорт...) билан шуғулланяпти. Яхши ўзлаштириши учун шароит яратишим керак” деб, кап-катта ўғилу қизлари бўлишига қарамай, хонадоннинг барча ишларини зиммасидан туширмаётганлар, боласининг ўрин-кўрпаларигача йиғиштириб, боласи овқатланганидан кейин унинг оғзини артиб қўйишдан бошқа ҳамма дастёрликка кўнган ота-оналар, айниқса, марказий ҳудудларда беҳисоб.

Мундоқ қарасанг, 40, 50 ёшлилар учун бу жуда қийин юмуш эмас. Ҳатто ота-она етмишдаям (зарур бўлса, бундан кейин ҳам) боласига ғамхўрлик қилиш учун куч топади. Лекин гап бунда эмас-да: болалигу ўсмирлик, ёшлик даврида қўлидан келган иш, юмушларни сидқидилган бажариб, катталарнинг оғирини енгил қилишга ўрганиб, кўникиб, ўзи ва ўзгаларни хурсанд қилишни билмаган бола қай бир куни тонгда тасодифан бошқача – ота-онасини ҳурматлаб эҳтиётлайдиган, уларнинг оғирини енгил қилишни бурч деб биладиган фарзанд бўлиб уйғониши мумкинми?!

## ҚИЁФАГА ЭМАС, ҚАЛБГА ЗЕБ БЕРИЛСА!

“Замонавийлик”нинг яна бир кўриниши сувчечак каби кўпайиб боряпти. Яъни, боғчада, мактабнинг бошланғич синфларида бўладиган турли байрам тадбирларига қизларининг сочларини сартарошхонада жингалак қилиб, ҳурпайтириб, яна ялтир-юлтурлар сепдириб, эгниларига чет элларда тикилган ўлчами кичкина-ю, аммо бичими катталарнинг кийимларига ўхшаган либослар кийдириб бориш оддий ҳолатга айланяпти. Ёш қизларнинг катталарга ўхшаш иштиёқи шунчалар кучлики, кўпинча бир варақ қизиқ китоб ўқишга қунт, сабр қилмаган ёш юраклар кимёвий бўёқлар анқиб ётган сартарошхоналарнинг сочларни жингалак қиладиган иссиқ темир “қалпоқ”лари остида камида бир-бир ярим соат ўтириб, яна сартарошнинг анча-мунча тараш, тортиш, ялтиратиш каби ишларига чидайдилар. Кимёвий усуллар билан ўтказиладиган бу “сунъий чирой яратиш” жараёнларининг болаларнинг ҳали ўсиб ривожланишда бўлган, ёш ва таъсирчан терисига салбий таъсири бир томон... Шу ёшиданоқ кийиниш, соч турмаклашда онаси, атрофидаги ёши улуғ аёллар билан тенглашишга, улардан ўзишга интилган, имконият излаган қизалоқлар, қизлар руҳиятидаги табиийликни инкор этиб, сохталикка ҳавас, иштиёқ, кучли қизиқиш уйғониши бир томон...

Кўпинча алоҳида тайёргарчилик, югур-югурларга айланиб кетадиган, яхшигина харажатлар эвазига бўладиган бу хатти-ҳаракатлар келажакда оналикдек масъулиятни зиммага олиши керак бўлган қизларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, билимини ошириш, ақлу фаросатини мукаммаллаштиришга қаратилса, қанийди! Йўқ, бола-да, ташқи чиройга интилиш касалига чалингач, қизалоқлар айтганини қилдиришга уринадиган қайсар, баъзида гапуқмас ва ҳатто ёлғон ишлатишдан ҳам уялмайдиган бўлиб қолишлари – ҳаётий ҳақиқат...

Бу “ўсиш” тўхтаб қолмайди: ўтган йилнинг тўққиз ойи ичида юртимиз туманларидан бирида (ҳа, биттагина туманда) мактаб ўқувчиларидан ўндан ортиғи ҳомиладор бўлиб қолгани расман қайд этилиб, ижтимоий тармоқда таҳлиллари бўляпти... Бу аччиқ оқибатларнинг боғча, мактаб ёшидан бошлаб қизларимизни беғубор, соддаю самимий, табиий болалик дунёсидан “юлиб” олиб, катталарга ўхшатиб “замонавийлаштириш”, уларнинг ота-онаси ёнида ўтириб замонавий киною сериалларни кўриши, муҳокамаларини эшитиши билан боғлиқ томонлари йўқ, деб ўйлайсизми?..

## ТАНЛАНГ: ЎЗЛИКМИ ЁКИ ПУЛ?

Бир маҳалладошимизнинг ўғли ўн беш йиллардан буён хорижда яшаб, ишлаб юрарди. Ота-онаси, бобосию бувиси раҳбарлик лавозимларида эътибор қозонган, олий таълим даргоҳида талабаларга дарс берган устозлар эди. Бола юртимизга кам келарди, энди у ўша ёқда қолиб кетса керак, деб ўйлардик.

Яқинда шу маҳалладош йигит билан кўчада учрашиб қолдим. Аввallари салом-алик қилиб ўтиб кетардик. Бу сафар йигит қўлини кўксига қўйиб, салом берганича яқинлашиб келаверди. Унинг мулозаматига шунчаки бир оғиз калом айтиб ёки бошингни силкиб ўтиб кетиш мумкин эмасди. Ҳол-аҳвол сўрашдик, у шошилмасди, кўзимга тикилиб кулимсираб турарди. Яқиндан қараганда, анча улғайибди, фақат ранги-рўйи... “Чарчагандир”, деб ўйладим. Қизиғи, у хайрлашишга шошилмас, ўзим, ишларим, болаларим ҳақида тўхтамай савол берарди. Дилимдан: “Она тилимизда юртдошлари билан гаплашишни соғинибди шекилли”, деган фикр ўтди, мен ҳам ўзимни қизиқтирган нарсалар ҳақида сўрадим:

– Қачон келдингиз? Яна қайтиб кетарсиз?

– Йўқ, кетмайман, – деди у мени ҳайрон қолдириб.

Чунки мен у йигитни хорижга шунчаки пул ишлагани эмас, балки ўз соҳасида катта ишлар қилиб, обрў-эътибор топиш ниятида кетган, деб ўйлардим. Фикримни яширмай айтдим:

– Биз сизни... шундай обрўли, илму маърифатли одамларнинг набираси, фарзанди ажойиб ишларингиз билан чет элликларниям ҳайрон қолдирасиз, обрў топасиз, деган фикрдамиз...

– Йў-ўқ... – гапимни бўлди йигит. – Чет элда обрў, эътибор топиш, катта мансабларга кўтарилиш муҳожирлар учун осон эмас. Бошқа жойларни билмадим, аммо мен ўн беш йил дунёнинг энг ривожланган мамлакатида юриб чиқарган хулосам шу бўлди, уларнинг мартабали давралари, қатламлари сени ўз қаторларига олишлари учун жуда узоқ, ҳар томонлама кузатишаркан. Қисқа қилиб айтганда, миллийлигинг, динингг, юриш-туришинг, еб-ичишинг, яшаш тарзинг... Ўзлигингни сақлаб қоламан десанг, ё ўртамиёна ишчи-хизматчи, ё хизматкор бўлиб юраверасан.

Шу пайт хорижга кетган яқин қўшним ёдимга тушди. Мана шу йигит билан битта юртда эдилар. Ўша бола ҳақида сўрадим.

– Ҳа, уям юрибди, – деди суҳбатдошим. – Ҳайдовчилик қилади.

– Нимага, олий маълумотли, магистратураниям битирган эди-ку.

– Шунақа, ҳайдовчиликка кўникиб кетган. Тўғри, яхши маош олади, аммо у жойда яшашу еб-ичиш харажатлари ҳам маошга қараб катта.

– Фарзандларининг тақдири бошқача бўлар балки...

– Билмадим. Кўрганим, билганим шу: икки давлатнинг келишуви билан борган мутахассислар илмда, бошқа соҳаларда обрў топиши мумкиндир. Аммо ўз ихтиёри билан ишлашга, яшаш учун борганлар орасида пул топганларни кўрдим, бироқ жамиятда эътироф этилиб, нуфузли лавозимга тайинланганларни кўрмадим. Болаларининг тақдири ҳам шундай...

“Лоп” этиб хаёлимга йигирма йиллар олдин бир талаба билан боғлиқ воқеа тушди. Ўша талаба Европа давлатларидан бирида икки йил ишлаб келиш учун суҳбату имтиҳондан яхши ўтганини унга чет тилини ўргатган устози айтганди. Аммо талабаларни саралаб олган европалик мутахассисга қандайдир ҳужжатни топширгани кетган ҳалиги йигит “Мен бормайман. Ишиям, пулиям керакмас”, деб қайтиб келса бўладими? Ҳамма ҳайрон, ота-онасию ўқитувчиларигача уни фикридан қайтаришга роса уринишган. Бошқалар наздида “бошига қўнган бахт қушини ўзи учириб юбораётган” ўша талабанинг мана бу гапи эсимдан чиқмайди: “Бугун билдим, бизни танлаб олган одам бориб ишлашимиз керак бўлган ферманинг бошлиғи экан. Муомаласидан бизни менсимаётгани, паст назар билан қараётгани сезилиб турибди. Ҳозир шунақа муносабатда бўлса, қўл остида ишлаганимизда нима қиларкин? Бормайман. Хоҳласам, шу ердан ҳам иш топилади”. Қаранг, орияти кучли, эркини баланд тутган ўғлон экан-да!

Аммо кўпчилик масаланинг бу жиҳатига эътибор бермайди. Дилим ғаш бўлди. Ахир, дунёнинг тўрт томонида яхши ҳаёт излаб юрган илмли, иқтидорли, ташаббускору ғайратли ўзбекистонликлар камми? Одам ажратиш деманг-у, ахир, билим ва малакали муҳандис, шифокор, ўқитувчи, санъату маданият ходими, тадбиркор... одамлар ҳайдовчи, юк ташувчи, фаррош, идиш ювувчи, бола ёки кексаларга энага, қоровул бўлиб юриши, юмшоқ қилиб айтганда, олтиннинг мисдек қадрсизланиши эмасми?

Бу фикримга “Энди, бу ерда эҳтиёжу хоҳишига яраша пул топиш мумкин бўлган иш кам-да!” дейдиганларнинг гапида, албатта, жон бор. Муаммонинг илдизлари аввало жамиятимиздаги коррупция, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик каби иллатлардан бошланади – бу алоҳида оғриқли масала.

Хаёлга берилибман. Рўпарамда юзимга тикилиб турган суҳбатдошим худди йўқотиб топган жигаримдек туюлди.

– Демак, кетмайсиз?

– Кетмайман. Тўғри, ишлаб келган пулимга уйимизни яхшилаб таъмирлаб олдик. Лекин у ёқда соғлигимни йўқотдим, касалга чалиндим. Агар хорижда даволансам, йиққан-терганларим етармиди, етмасмиди, билмайман. Ўзимизга келиб даволандим, ҳозир ҳам шифокорлар назоратидаман, ҳали анча муолажалар олишим керак...

Йигитнинг ёшига нисбатан анча улғайиб қолгандек кўрингани сабабини тушунгандек бўлдим.

Замонавийлик – ҳамма замонларда долзарб масала ва мавзу. Тараққиётнинг бош омилларидан бири ҳам замонавийликни тез англаш ва уни ҳаётга тўғри татбиқ этишдан бошланади. Аммо ҳар қандай замонавийликнинг маҳаллий шароитдан келиб чиқадиган оқибат-натижалари билан боғлиқ меъёри бор.

Яна шуни унутмайликки, замонавийлик фақат янгиликлардан иборат эмас. Бугун савдо тармоқларида сотилаётган турли чиройли халтачаю қутичалардаги сунъий ранг ва таъм шимдирилган (соғликнинг кушандаси) ширин кулчаю қандолатлар эмас, тоза буғдой унидан хамир қориб ёпилган нонларимиз ҳам замонавийдир; баданга тошмаю қичишқоқлар тошдирадиган сунъий матолардан эмас, пахтамиздан тикилган қулай либослар ҳеч қачон замонавийлигини йўқотмайди; таркибига нималар қўшилгани ҳар доим ҳам бизга маълум бўлавермайдиган қимматбаҳо конфетлар эмас, юрагимиздан тортиб қонимизгача қувватли этиб, ошқозону ичакларимизни тозалайдиган туршаклар ҳам замонавийдир. Моддиятга тааллуқли бундай мисолларни кўп санаш мумкин.

Қай бир халқларда оддий ҳолат саналар, аммо бизда одамнинг юзига қараб турганча ёки жамоат орасида сақич чайнаш, ҳар хил егуликларнинг ушоғини сочиб еб ўтириш; йигит ва қизнинг бошқалар кўзи тушадиган жойда севгисини намоён этиб туриши; кексалар орасида тору танқис, очиқ-сочиқ кийиниб, тилга эрк бериш; кечагина туғилган чақалоққа костюм-шимча ёки “барби” кўйлак кийдириб гулдек нозик мурғакни кўз-кўз қилиш... замонавийлик эмас. Чин маънодаги замонавийлик тараққиётга, турмуш соғлом, қулай ва самарадор бўлишига, фойдали илмлар оммалашиб ҳаётга татбиқ этилишига, инсоннинг юксалишига ғов бўлган ҳар қандай иллатлардан қутилиб, ўзининг ижобий имкониятларини амалда қўллаб яшашига восита бўлиши керак.

## КИТОБХОНЛИК ҲАММА ЗАМОНЛАРДА ЗАМОНАВИЙДИР

Ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа воситаларисиз ҳозирги замонни тасаввур этиш қийин. Бироқ инсонни илму маърифатли, теран фикрловчи, саводхон, юксак маънавиятли, ижодкор қилиб тарбиялашда айни кунда ҳам китоблар энг замонавий восита саналади.

Одамлар савиясини ўтмаслаштириб, дунёқарашини кўлмакдан ҳам торроқ этиб, ахлоқ пардаларини сидириб ташлаётган адабий асарми, қўшиқми, санъат “шедевр”ими... – улар ҳар қанча ялтироғу жумбоқли шаклу шамойилларга солинмасин, янги атамалар билан номланган “тақинчоқлар” билан безатилмасин, қанчалар юқори минбарлардан тарғиб этилмасин, барибир, барибир улар замонавий эмас! Агар замонавийлик мезонларини ўлчайдиган тарозининг битта палласига юқорида таърифланган каби асарларнинг барчасини қўйиб, иккинчи палласига, айтайлик, Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг:

> ***Одамий эрсанг, демагил одами,***
> ***Оники йўқ халқ ғамидин ғами –***
> ёки

***Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,***
***Булбулға тикондек ошиён бўлмас эмиш...*** –

каби (адабиётимиз уммонида бундай дурдоналарнинг саноғи йўқ!) ҳикматли сатрлари қўйилса, иккинчи палла ҳамиша салобат билан тош босаверади. Чунки бу каби мерослар моҳиятига эзгу ғоя, оқибати хайрли мақсадлар, чиройли тарбия мағзи, инсонпарвар ўгитлар сингдирилганлиги билан келажак асрларда ҳам замонавий бўлиб қолаверади.

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Озода ПАРПИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Тальат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ISSN 2091-5217

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 101

Адади – 2 717
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.